

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**87 Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларида аҳолига ва бюджет ташкилотларига кўмир сотишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятлари истеъмолчиларини ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳокимликларининг 2012 йил 1 июлгача бўлган муддатда «Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамиятининг иловага\* мувофиқ рўйхат бўйича аҳолига ва бюджет ташкилотларига кўмир етказиб бериш бўйича 12 филиали бўлган 3 та дистрибьюторлик марказларини (кейинги ўринларда ҳудудий дистрибьюторлик марказлари деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

«Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамиятининг 2,1 млрд сўм миқдоригаги ўз маблағлари ва «Халқ банки» давлат-акциядорлик тижорат банкининг 1 йил имтиёзли даврни қўшган ҳолда 3 йилгача муддатга йиллик 16 фоизли ставка билан бериладиган 7,4 млрд сўм миқдоригаги кредит маблағлари ҳудудий дистрибьюторлик марказларини ташкил этиш ишларини молиялаштириш манбалари ҳисобланади;

ҳудудий дистрибьюторлик марказларини ташкил этиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш «Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамиятининг лойиҳалаш ишлари бошқармаси томонидан 2012 йил 1 апрелгача бўлган муддатда амалга оширилади;

«Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамиятининг «Кўмир кон қурилиш» унитар корхонаси ҳудудий дистрибьюторлик марказларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича бош пудратчи ҳисобланади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари ҳудудий дистрибьюторлик марказларини қуриш учун ер участкаси ажратилишини бир ой муддатда таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда «Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамиятининг ҳудудий дистрибьюторлик марказлари орқали сотиладиган кўмининг чакана нархини шакллантириш тартибини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ри-

---

\* Илова берилмайди.

вожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий дистрибьюторлик марказлари орқали сотиладиган кўмирнинг ҳажмлари ва нархлари юзасидан назорат ва мониторингни белгиланган тартибда амалга оширсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 29 февраль,  
58-сон